


ҚАДАМЛАРИНИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН НАВРЎЗ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



Жаалік СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 март, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 55 (1057)




ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 март куні Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Халқаро валюта жамғармаси иккинчи Европа департаменти маслаҳатчиси Лейф Хенсенни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат.

Этди.

Учрашувда Халқаро

валюта жамғармасининг

Ўзбекистондаги вако-

латхонаси раҳбари И. Салкаи ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Юртимизга улғу айём —

Наврўзи олам кириб келмоқда.

Наврўз — баҳор ва гўзаллик

байрами, ёшарини ва янгиликни

байрами.

Наврўз айёми — табиат

уйғондиган ойни ўтмишида

яшаган боболаримиз «Улғу ой»

«Умид ойи» деб атаганла

ри катта маънога эга. Чун

ким, баҳор келиши билан

баракли ва мўл ҳосил олиш

учун илгир мезғат мавсуми

бошланадиган бу ажиб дав

рада, нафис ва бахтиёр

қашақ табиат, балки инсон

умидлари ҳам қуртук очади,

инсонлар билан покланади.

Наврўз қадим-қадимлардан

халқимиз учун, дийримиш

учун меҳру мурувват байра

ми бўлиб келган.

Бу улғу айёмда бева-бечора

нинг, етим-есирнинг ҳолидан

хабар олиш, кўнгли ярамларга

ташқин бериш — халқимизнинг

илгир буюк фазилатидир.

Бу улғу айёмда эски гина

ва аразлар унутилди, халқ

лар ва миллатлар жипслаш

ди, ўзаро меҳру муҳаббат ху

шм суради, буюк ишларнинг

режалари тузилади.

Халқимиз ибораси билан

айтсак, ҳаёт — бизга худо

ўлаб берган омонат. Охи

р-оқибатни ўйлаб яшаган ин

сон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Билмиш, бойлигу давлат

келди-кетди, аммо қиммат

инсонлардан яхшилик қолади,

ном қолади, савобли ишлар

қолади.

Бугун ҳар бир дийнатли ин

сон: «Юртимиз тинч, халқ

имиз топув бўлсин. Ҳар бир

оила мустаҳкам бўлсин, ҳар

бир хонадон дастурхонни ту

ткин-сочин бўлсин. Ҳар бир

инсон бахтли-саodatли бўлсин,

дег эзгу ниҳат ва умидлар қил

моқда.

Ўлгимизни англаб, мил

лий қадриятларимизни тик

лаб, ота-бобомиздан мерос

булиб қолган анъаналарни юксак

кўтариётганимизнинг ҳам,

олиб борилаётган халқчил

сийнинг ҳам маъно ва мудо

даоси аслида шу.

Ўзаро меҳру оқибатимиз

қун сайин зиёда бўлиб, адо

лат қарор топса, поклик ва ҳа

лоқлик одадга айланса —

ана шундагина биз тилагимизга

етамиз.

Бугунги улғу айём кезлари

да яна бир фикрни баён этиш

га ижозат берайсиз. Рефе

рендум — умумхалқ овоз бери

ши арасида одамларимиз

турин жойларда бугунги

сийимизга ўз муносабатлари

ни очик-ойдин билдиришлари

ва муносабатлари билан

Халқимиз бугунги мураккаб

ўтиш даврида, шунча қийин

чилик, ечимсизлик ва бош

қа оғир ташвишларга сабр-то

қат билан бардош бериб, ўз

ақли ва ҳақиқатини билан

жаҳон жамоатчилигини

ҳайратда қолдирмоқда.

Давлатимизнинг сийсати

га билдирилган ишонч ва ҳу

сурият, менинг шайхонага ай

тилган фикрларни гўят юксак

қадриятли. Олжаноб халқ

имиз олдида бош эгиб тағлим

қиламан. Ва бугунги муқаддас

байрам олдарида чин қалбим

дан айтмоқчиман: бутун ум

римни, бутун борлигимни, ке

рак бўладан жонимни ҳам

сизларга, халқимга бахшида

этишга тайёрман!

Азиз дустлар!

Бу йилги Наврўзнинг ҳам

юртимизга қадамлари қутлуғ

келсин!

Юртимизни ёмон кўзлар

дан асрасин!

Ҳар бир хонадондан меҳру

оқибат, бахту саodat ва ти

нчилик-топувлик асло арим

син!

Қилаётган эзгу ишларимиз

да Оллоҳнинг ўзи мададкор

бўлсин!

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Жонажон Ватанимиз Ўзбекистон сийсий мулкчи ва асоратдан қутулиб, мустақил давлат сифатида жаҳонга танилди. Истиқлол тоғларидан руҳланган эркесор халқимиз Президент И. А. Каримов раҳбарлиги остида чуқур иқтисодий ислохотлар негизиде янги жамиятни барпо этар экан, энг аввало ўзининг кўп асрлик маънавиятига таянади.

ни шакллантириш учун гамхўр

лик қилмоқда.

И. А. Каримовнинг жонбоз

лиги тудайли унитилиб кетган,

ман қилинган удум ва байрам

ларимиз тикланди, халқимиз

шон-шухрати, изат-обрўси тик

ланди.

Президентимиз деярли ҳар

бир маъруза ва нутқиде маъна

вият масалаларига тўхталиб ўта

ди, бу муҳим соҳанинг янги

янти қирраларини очиб жамия

тимиздаги роли ва аҳамиятини

кўрсатиб беради.

Мунавар Наврўз байрами

арасида Президентнинг «Исти

қлол ва маънавият» номли янги

китоби босмадан чиқди.

Ушбу китобда юртбошимиз

нинг кейинги йилларда эълон

қилган маънавият ва маърифат

оид фикр-мулоҳазалари жам

йўллари кўрсатилган, бу соҳа

даги вазифа ва тадбирлар бел

тилаб берилган.

Китобда баён этилган қараш

лар, фикрлар халқимиз маъна

вияти ва маърифатини ривож

лантириш, давлат мафқурасини

шакллантириш ишининг муҳим

ва қимматли дастуридир.

Китобни дарақлар эканмиз,

мустақилликни мустаҳкамлаш,

ахлоқий поклиниш ва маъри

фий юксалиш учун олиб

борилган қизгин сийсий кураш

нинг гувоҳи бўламиз ва бу сий

сатнинг қанчалик ҳаққоний ва

тўғри эканлигига яна бир қарра

ишонч ҳосил қиламан.

Китобга И. А. Каримовнинг

1991—1994 йилларда эълон қи

линган маъруза ва нутқларидан

олинган иқтибослар қиритил

ган бўлиб, муаллиф асарлари

нинг библиографияси ҳам ило

ва қилинган. Китоб «Ўзбеки

стон» нашриети томонидан бос

мадан чиқарилган.

Қаддини ростлаб, ота-бобо

ларнинг имон-этиқоди, хик

мат ва ҳилоқини дилда жо


қила туриб, олга бораётган ма

рд халқимиз ушбу китобда ру

ҳига пайванд, дилга мос су

ларни топади, маънавий қувват

ва қудрат олади.



Зеро, қудратли давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қудратли маънавият зами

• 26 март — умумхалқ Референдуми куні

ЎША КУНИ БАРЧА ЎЗ ХОҲИШ-ПРОДАСИНИ ИФОДА ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Референдуми ўтказилишига санақли кунлар қолди. Айни кунларда Фарғона вилоятида ҳам бу муҳим сийсий воқеага қизгин тайёргарлик қуриляпти. Мухбиримиз бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бериши вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Референдум ўтказувчи вилоят округ комиссиясининг раиси Орифжон Холматовдан илтимос қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонунга қўйилган тағйирларни расмий равишда тасдиқлаш учун умумхалқ Референдуми ўтказилишига санақли кунлар қолди. Айни кунларда Фарғона вилоятида ҳам бу муҳим сийсий воқеага қизгин тайёргарлик қуриляпти. Мухбиримиз бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бериши вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Референдум ўтказувчи вилоят округ комиссиясининг раиси Орифжон Холматовдан илтимос қилди.


«Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонунга қўйилган тағйирларни расмий равишда тасдиқлаш учун умумхалқ Референдуми ўтказилишига санақли кунлар қолди. Айни кунларда Фарғона вилоятида ҳам бу муҳим сийсий воқеага қизгин тайёргарлик қуриляпти. Мухбиримиз бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бериши вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Референдум ўтказувчи вилоят округ комиссиясининг раиси Орифжон Холматовдан илтимос қилди.

зилайпти. Яқин кунлар ичига участка комиссиялари расмий равишда ўринбосарлари, котиблари, туман ва шаҳар ҳокимиятлари раҳбарлари иштирокида ҳудудий семинар-кенгаш ўтказишга тайёргарлик қуриляпти. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, меҳнат жамоаларида, саннат корхоналари, ташкилотлари, қишлоқ ва маҳаллаларида Референдум ўтказишга бағишланган йиғилишлар, мулоқотлар бўлиб ўтипти. Ҳозиргача ўтказилган 1546 дан ортиқ шундай анжуманларда 307 миңдан ортиқ киши иштирок этди. Вилоятимиздаги барча олий ва ўрта махсус билим юртиларида 7 март куні умумхалқ Референдумига бағишланган очик дарслар бўлиб ўтди. 2200 дан ортиқ маҳаллаларда ўтказиляётган баҳорий тадбирлар, «Наврўз» байрамига бағишланган маросимларда асосий мавзу шу сийсий воқеага бориб тақалмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарида Референдум кунига бағишланган тадбирларини охирига бағишлаш учун ўзаро бас-бас авж олиб кетди. Қува туманидаги «Иброҳимбек» ҳиссалорлик тикувчилик корхонаси ишчилари Референдум кунига 5 ойлик топириқни бағишлашга аҳд қилдилар. Тошлоқ туманидаги «Навбахор» жамоа ҳужалигиде Референдумга атай боғ ташкил этилди. Мақор муҳим тарихий воқеа «Наврўз» тантаналарига уланиб кетиши табиий. Шу муносабат билан 26 март куні аҳолига тарқатилиш учун савдо тармоқлари 3,8 миң тонна ун, 350 тонна шакер, 130 тонна чой, 48 тонна ўсимлик ёғи ҳозирлаб қуйилди. 26 март куні ўтказилган умумхалқ Референдумида фарғоналик 1 миңдон 269 миңдан зиёд фуқаро фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродасини билдириши шубҳасиз. «Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИРОВ ёзиб олди.

НАВРЎ ХАЛҚИМИЗГА, ЖОНАЖОН ОНА ЮРТИМИЗГА ЗАФАРЛАР

ҲАЗРАТ НАВОЙИНИНГ УЗЛАРИ МЕЗБОН

Пойтахтимиздаги Наврў байрами тантаналари ўтадиган майдондан репортаж. 1995 йил 18 март



Истиқлолнинг тўртинчи баҳори қанотларида таширғ буюрган Наврўи оламга пешвоҳ чиқди, уни шарафлаб, шодибоналар ташкил қилиш учун танланган сайлгоҳга кириб борар экансиз, узингизни беҳтебиёр ҳазрат Алишер Навоий даргоҳига таширғ буюргандек ҳис этасиз. Халқлар дўстлиги саройидан бошлаиб, Абулқосим мадрасасига туташиб кетган, миллий меъморилик аҳанадари асосида бунёд этилган байрам саҳнасининг турида сўз мўлкининг сўниги Навоий боъомизнинг таниш ҳаққали, — қўлида асоғи дадил тутганча меҳмонлар истиқболлига шодағандек қиёфаси кўзга ташланади. Давр руҳини асқ этириб турғичи замонавий меъморилик мажмуи ва тарих шоҳиди — қўна мадраса қўрғониди ўзбек тилида тиланмаган — озод Ҳазрат Навоий қадриятига суянган ҳолда бугунги долғали кўнлар сўроғига дадил жавоб бериб, келажак сари ишонч билан ойдимламоқда.

Байрам иншоотлари билан мўжайиб бўлган таниш майдонни бугун танимайсиз. Бир томонда савдо растанлари, тамаддиқоналар қаторлашиб кетган бўлса, бошқа тарафда турли томошалар ўтказиш учун қўрилган муваққат дор-у дастгоҳлар, чарқаллақлар. Дикқатни тортадиган бош қўрилиш асасий томошалар ўтказиш мўлкжаланган саҳна. Уни бунёд этишга бир ойдан кўпроқ вақт керак бўлди. Турли металл конструкциялардан тикланган тўрт-беш метр баландиқлига томошабинлар учун ўриндиқлар ва 50 метр кесимдаги саҳна «Турон» ҳиссадорлик жамияти бўйноқлари дид билан қўриб битказиши. Бу ерда бир йўлда тўрт мингга яқин томошабин жойлаша олади. Томошагоҳ атрофида этгита миғнор ва арқини тиклангани иншоотта миллӣ руҳ бериб турибди. Бу манзара мадрасанинг эндиқлиқа илтироқ тунуқалар қопланган икки гўмбази билан уйғуллашиб кетган. Томошаларнинг ҳар томонлама муқаммал ўтиши учун ёруғлик манбалари, овоз кучайтириғчлар билан етарғича таъминланган. Байрам дастурғиқа мувофиқ санъаткорлар ва томоша кўрсатуғчилар кириб келадиган тараф очик қолдирилган. Бу йўналиш Навоий ҳайқалига туташиб кетади. Қуруғчилар миллий боғ ҳудудида кенг ҳажми ободончилик ишларига олиб боришида. Саҳнанинг икки тарафида янги дарак кўчталари ўтказилди, йўқалар бунёд этилди.

Бугун бу ерга таширғ буюруғчилар учун муносиб дастур — таллов йўли билан маъқуланган шoir Хуршид Даврон қаламига мансуб «Наврўи олам» сценарийи асосида катта театрлаштирилган томоша тайёрланди. У қоинот, қўеи, олов, Сув, Наврўи мавзуларини ўзида асқ эттирган. Қисқа вақтда 1800 киши турли томошалар намоийиш этади. Унда асосий эътибор образ яратишга эмас, балки гоғни бўрттириб кўрсатишга қаратилган. Маълумки, Наврўи янги йилнинг бошланиши, униш-ўеиш фасли.

— Бу сафарғи тантаналарини тайёрлашда олдинги руҳни тақорроламоқда, янги шакл ва мазмун топишга ҳаракат қилдиқ, — дейди Маданият ишлари вазиригнинг етарғи мутахассиси Оллоберган Омонов, унга республиқамизда ижод қилаётган етук санъаткорларнинг деярли барчасини жалб қилишга муяссар бўлди. Театр режиссёрлиғи билан мухлислар эътиборини қозонган Баҳодир Йўлдўеиниғ фантазияси ва мавзуға романтик туйғуллар билан ёндашиши бу галги томошаларнинг ҳисий таъсирини кучайтиришга ёрдам беради, деб ўйлайман.

ЯНГИ ЙИЛИНИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бугун ярим тунда бутун Шарқ мамлақатларида янги йил кутиб олинади. 1995 йилининг 22 марти Умар ХАЙЕМ тақими бўйича янги йилининг биринчи кунидир.

Дунёда тақвимлар (қалендарлар) жуда кўп. Улардан энг кенг тарқалгани ва аниғи буюқ алома Умар ХАЙЕМ тузган тақвимдир. Уни 1079 йили Маликшоҳ низоом билан жорий қилган. Тақвим — бу вақт қалитидир, инсоният маданиятининг лосовский етарғилиғидағи сеҳрли томошалар, ҳаво гимнастикачиларининг санъатлари таширғ буюрганларни лоқайд қолдирмайди. Бош рассом Юрий Брим ва либослар етарғи Зебо Носированинг сайғ-ҳараётлари билан улкан майдон томошалар руҳига мос бeзатилиди, иштирокчиларға миллий ва замонавий руҳли кийимлар таъсия этилди.

Ҳозир биз ишлатиб келаётган Григориян календарига эса фарқ 29 сониядан иборат. Бу 3333 йилда бир суткани ташкил этади. Кўрғиниб турибдики, ХАЙЕМ тақими Григориян календаридан анча фарқ.

Шунай қўлиб, бугун улғу айём — Наврўи оқшонида 1417 ҳижрий йил таширғ буюради. У мўчал дaви ҳисобида Тўнгиз йили деб юрилади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ.

Наврў дастурхонига марҳамат



МАМПАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА

Шанба ва якшанба кўнлари «Аломиш» элир саройи мамлақатимизда энди тетапов бўлаётган профессионал бокс ислоҳмандлари билан гавжум бўлди. Республикаси спорт тарихида биринчи марта ўтказилган профессионал боксчилар янги урғашуғи ташиқа етучилар ушбу тадбири бeвoситa Наврўи тантаналарига уйғуллаштириб, байрам тарғида уюштирилди.

Профессионал боксчилар урғашуғларидан олдин ва тањаффус пайтларида Кумуш Раззоқова, Қозим Қажоов, Мамбура Қурбонова, «Тошкент» ва «Қарс» гуруҳи қаби республиқамизда таниқли санъаткорларнинг концерт дастурининг намоийиш қилиниши томошабинларға байрам қайғитини бахш этиди.

Биринчи бўлиб рингта Раҳим Тулағанов ва Нурғали Абдураимов (55,338 кг) чиқиш-



Келинчак қўпида енгликча... (бади)

Этибор ОХУНОВА

Наврўи, боли сабалардан сени сўрадим яна, Илк бинафинан түтте айлаб қўниға сурдим яна. Лолаю ияргиз теарй, деб қир томон юрдим яна. Тўшларимда гул фаслини, ипик фаслини кўрдим яна. Наврўи кечасида қоинот олтин тарозусининг икки палласи баробар келиб, тун ва тонг қафтири тенглашар, ўз кўришар, дийдорлашар эмиш. Орзули бу оламда ирмоқлар сойга, сойлар дарёларга, дарёлар уммонларга, денгизларга айлангани озу айтайдилар.

ларда янада зеболаниш қайғуси. Хар куртк, ҳар ниҳолда қонланиш, гул очини кўткүси. Хондонларда буюларнинг қўли-қўлига тегмайди, ёғли кулчалар, кўк сомсаларнинг хуш буйи димоғиниғи олади. Меҳнат кишилари истиқболлиға ҳамиша умид қўли билан қарайдилар. Далаларда тракторлар гулдироиси янграйди. Баҳор сабалари орғидан термулиб қараб қолган деҳқон бу йил «хирмонлар багини янада баландроқ кўтарсам», деган ширин хайл билан она заминга тиз чўкади. Деҳқон иш қуролларини кўздан кечирчди. Уйқудан уйнаётган она ер билан сирлашади, «меҳнат» китобининг зар-варақаларини эзгидан палла-лақ бошланади ҳадемай. Қишлоқ одамлари Наврўи олам тўки-сочинлик, қут-баракка, сарбаланд хирмон, новдалари гулға, ҳосилга бурканган янги боғларни кашф этишга ишонадилар. Асақанинг Қўнғирот қишлоғида яшовчи мўғабар она Марзия холастини сўҳбатларини тингиди.

Наврўи олам бу — мунавварликдир, болом. Ёра-инилар, ама-қолалар, ёру-биродарлар бир-бирларини сўқдлашади, излашади, йўқлаб келишади. Ешлар қарияларнинг күнлини овллаб, яқши сузлар айтишади, совғалар келтиришади. Маҳалла аҳти маслаҳатлашиб, дилашади. Изғат-икромлар яна ўз ўрнини эгаллайди. Бизлар юрғимизға мамыруғик тилаб дуо қиламиз. Наврўининг дарганиғи эшитиб, болақайлар қўлириға саватча тутқазамиз, япиллар, жағ-жағ ўтлар, исмапоқлар тебриб келишларини сўраймиз. Тандин боғида энликча киийиб туриш аёмага атаб барқаш па-ттирлар, кўк сомсалар ёпамиз. Ҳовлимиз тўйхона бўлиб кетади. Хар қалай, меҳр қайташди болам, иштибоҳлар қайташди. Энди... бу ёғи одамлар диёнағи ни угутмаса бўлгани.

турли музофот минтақалардағи имдол қўлиға зор инсонларга нажотлар келтирсин. Олам бўйлаб тинчлик уругини сочинсу гуллар ифориғни таратсин. Она сайёрамиз ўз меҳварига тинч, осула айлансин. Низолар меҳр-муруватларга айлансин. Миллатлар, эллар меҳр ришталари ила болансин.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон телевидениеси орқали намоийиш этилаётган «Наврўи» узлуқси кўрсатуғлари ҳаққимиз орасида жуда тез шухрат топти. Шу боисдан ҳар йилининг 21-22 март кўнлари кўп миғг солиқ аҳлини республиқамизнинг турли бурқаларида ташиқа этилаётган халқ сайқилари, турли театрлаштирилган томошалар, саҳаватли кишиларининг муҳтож одамларға муруватлари, халқ истеъодларининг ранг-баранг байрам таптаналари билан ташиқатриётган бу узлуқси кўрсатуғлар аяғана тўсига кириб бормоқда.

Бугун, 21 март кунги эрта-лаб соат 6 да бошланажак навабдағи узлуқси кўрсатуғ аввали йиллардағи кўрсатуғлардан умумий ҳуусиятларини мерос олган ҳолда ўзига хос янглиқлар билан бойитилди.



Нилуфар БОБОЖОНОВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатичи мухбири.

БУ КўнЛАР ЭЗГУПЬККА ЙЎҒРИЛГАН

Наврўи айёмини транспорт хизматчилари қандай кутиб олмақдалар? Тошкентликларға транспорт хизмат кўрсатишиғи ҳозире аҳволи қандай? Келажакда йўловчиларға қандай қўлайлиқлар яратилади? Тошхалқарўйловчипранс» давлат уюшмаси бош мўҳандиси вазиғини бажаруғчи Шомурод Мўхаммадҷонов мўхбиримиз билан сўҳбатда она шулар ҳақида тўхталди.

вақтда 6 та автобус, 3 та такси ва трамвай йўналишлари очилди. Қатновни яқшилаш мақсатида 58 та транспорт йўналишига ўзгартиришлар киритилди. Илтари четдан олиб келинган айрим ахтиб қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўли қўйилди. «Тошметрополитен» бошқармаси ҳамда «Электроаппарат» бирлашмасида бу борала олиб бoриладиган ишлар, айнақса эътиборға лойиқ.

ридағи режаларини тўла-тўқиса амалга оширишга интилмоқда. Йил охиригача қўшимча 15 та транспорт йўналиши қўрилиб ишлари, жумладан, метронинг Юнусов йўналишида 600 миллион сўмлик тиклаш юмушлари ало этилади. Беруний, Пахтакор, Олой бозори, Грузовая шoҳбекларни қурилади. 124 километрлик янги трoллейбус ливияри ишга туширилади, 12 та подстанция барпо этилади. Айни кўнларда Юнусов даҳсиди янги трoллейбус саройи қад ростламоқда.

Уюшмамиз жамоаси бағзи қийинчиликларға қарамай, Наврўини хушнудлик билан қабул қиламоқдалар. Байрам кунги барча транспорт корхоналарида дастурхон ёзилади. Қутлуг неъмат — сумалак тортилади. Шу кунги ҳар ким меҳнатига яраша тақдирланади: есдалик совғалари, муқофотлар, фаҳрий ёриқлар топширилади. Автокорхоналарнинг юбилей саналари, қарияларни пенсияға кузатиш қаби тадбирлар ўтказилади. Маҳаллаларда жойлашган транспорт корхоналари хизматлари маҳалла оқоқолларга, маҳалла аҳли билан биргалиқда байрамни нишонлайдилар. Қутлуг айём қарнай-сурнай садолари, бадий ҳаваскорлар ижросидаги концертлар, спорт мусобакалари билан хушнуд кечади.

КЕЛТИРГАЙ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ФАРОВОНЛИК ИНЪОМ ЭТГАЙ!

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РИЗҚИ УЛУФ ЭКАН

Яқинда синф хонасини безатиш учун даромадимизнинг бир қисмига ул-бул ҳарид қилиб, қишлоғимиз ҳудудидagi 2-ўрта мактабга борандим.

Яқинда куриб фойдаланишга топширилган мактаб биноси, унда яратилган шароитга махлиё бўлиб тушгача қолиб кетдим. Бир маҳал сезиб қолдим: ўқувчилар танафусда уйларида олиб келган нон билан тамадди қилишяпти. Шу ҳамқишлоқ кичкинтойлар оғзига бир қошиқ оқлик тутмасам, фермерлигим қайга борди, дедим. Уйдагилар билан маслаҳатлашиб олишни ҳам унутиб, мактаб директори Азимжон Бекмирзаевга ваъдани хатта берворибман: «Мана шу 3-синфда ўқийдиган 24 болани ҳар кун иссик овқат билан сийлайман!»

Ғани катта айтиб қўйиб, ҳужалигимиздаги аҳволни ҳаёдан ўтказдим. Фермерликка қўл уриб, қарзга 9 бонг сигир сотиб олган вақтдан бери 4 йил

Жаннатмақон диёримизда Наврўз тантаналари давом этмоқда. Шу кунларда чор атроф янада сўлимлашган. Одамлар ҳам қувноқ, шодонлашиб қолгандек. Ҳаммининг юзида мамнунлик, хуш кайфият. Бу баҳор гўзаллигию умр лаззатидан. Тарихи узок-узок йилларга бориб тақаладиган Наврўзи олам йиллар мобайнида ўзига ажойиб анъаналар, удуллар, маросимларни шунчалик сингдириб юборганки ҳозирги байрамни уларсиз тасаввур қилиш қийин.

Қорақамиш даҳасидаги қариялар уйини кўпчилик яхши билади. Ўз вақтида кучайгайрат билан ишлаган фахрийларнинг кўплари ҳозир уларга шароит старли бўлсада, бир оғиз ширин сўзга, меҳр саховатта муҳтож. Маъруф Ус-

ўтаяпти. Аввалги йилларда топган-тутганимиз туёқлар сонини кўпайтиришга, молхона қуришга, эски бедапоёни бузиб, ўрнида янгисини яратишга, «Озод ариқ»дан сув тортишга кетибди.

Бултур сал нафас ростлаб қарасак, туёқлар 34 тага өтибди. Шундан 16 боши соғин сизир! Ҳар кун давлатга 60-70 литрдан сут топширдик. Аммо йил бўйи ҳар тонгда, олдидан 10 литр сутни боғча болаларига сидкидилдан ҳадя этдик. Шундан кейин сут-қатигимиз-



СУННАТ ТҮЙИГА УПАНДИ

монов бошлиқ «Зарина» фирмаси жамоаси бундан икки йил бурун қариялар уйи яқинидаги ташландиқ жойни олиб «Оталар оромгоҳи»га айлантирганди.

Ҳозир бу ер ҳақиқий оромгоҳга айланган. Кундалик эҳтиж моллари билан савдо қилувчи дўконлар, чойхона, новвойхона қариялар ихтиёрида. Улар бир пиёла чой устида яйраб сўхбат қуришлари

гаям барака кирди, рўзгоримиз тикланди. Саховат барака келтирар экан.

Айтганимдай, янги мактабга куруқ бормади, деб битта синфга етарли «саруно» олиб боргандим. Ҳалиги ҳолатни кўриб, ҳаммани суюнтириб уйга қайтганда сигирларимиз сунтининг кўти учиброқ қолганини кўрдим... Ҳатто давлатга топшириладиган кунлик режа ҳам учма-уч бўлиб қолди. Шундан бери 2-3 ой вақт ўтди. Уятим ичимда қолганда... Билсам, сизир-жониворлар «оёқли» экан. Мана, Наврўз олдидан улардан 10 таси бузоқлади! Байрам кунини уларнинг ўғиз сутини пишириб мактабдаги болаларимга олиб бориш учун тўплашган.

Яхши ният — ҳужалигимизга давлат қўшди, ўқувчиларга шодлик берди. Илоҳо, ҳаммага болаларимизнинг ризқи шунака баланд бўлсин!

Ойдинхон АБДУРАҲМОНОВА, Бўз тумани, Жийдақотар қишлоғидagi «Авазбек» шахсий фермер ҳўжалиги аъзоси.

мумкин. Байрам кунлари эса фирма жамоаси ўз ҳисобидан дастурхон тузаб, кўпчиликни меҳмон қилади, совғалар улашади.

Бу йил ҳам фирма жамоаси Наврўз тантаналари арафасида бу ерда катта тўй ўтказди. Болалар уйида тарбияланаётган етти нафар боланин суннат тўйлари ўтказилди. Турли ноз-неъматлар билан тўқин қилиб

безатилган дастурхонга маҳалла аҳли, қариялар уйи вакиллари таклиф этилдилар. Санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага фойз киритдилар. Тантаналар кечгача давом этди. Дастурхонга тортилган тансиқ таом — ҳалим айниқса кўпчиликка манзур бўлди.

К. РИХСИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Немис шоири Гёте бир шеърда: «Бор, Шарққа бор, эй йигит, фақат у жойлардагина шеърят мавжуд, сен у ерда чўпонлар билан биргалда Хофиз байтларини такрорлаб, бахтиёр ва хуррам яшашинг мумкин».

деганда ҳақ эди. Дарҳақиқат, Шарқ ўз табиий минтақасига кўра абадий яшиллик, доимий баҳор юртидир. Қуёш ҳам мана шу юртдан чиқади. Унинг заррин нурлари кўзугларга заъфарон ранг беради, лола барглари оташин тус ато этади. Буларнинг барчаси баҳордан — Наврўз аёмидан бошланади. Наврўз янги кун туғилиши демакдир. Табобат аҳдининг ҳисоб-китобига кўра, шу фаслда ҳатто одам ҳўжайраларидаги кексайиш кескин қисқарар экан. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан

қолган ёдгорликлар» номли машҳур асарида: «Наврўз... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар экан. Сунгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарактлар гуллашдан мевалари етилгунча, ҳайвонларда то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан, такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг

фасларининг тўрт даври бу қадар гўзаллиги билан намоен бўладиган диёр камдан-камдир. Назаримда она юртимиз табиатидаги мана шу улғувор гўзаллик, теранлик халқимизнинг бардам руҳида ҳам тўлалигича акс этиб туради.

Баҳор келар қайта-қайта,

Йил қайта-қайта, — деганлари сингари мана бу кун ўлкамизга яна баҳор келди. Юртга, элни сўроқлаб Шоҳимардон тоғлари-ю Нурота яйловлари, Тوشкент маҳаллалари-ю Сурхон қирлари яшил либосга бурканди.

Наврўз айёми, халқ сайллари, миллий спорт турлари, кўпқари, кураш айниқса, кейинги йилларда оммавий тус олди.

Айёнки, наврўз фақатгина ошуфта бўлиш байрами эмас. Қадим-қадимдан баҳорнинг бу кунини деҳқонлар учун кўп йиллик меҳнат жараёнининг бошланиши ҳисобланади. Ерга дон қадалади, ниҳол экилади, боғларга шакл ва тус берилди.

Халқимизда, баҳорнинг илк неъматини татиб кўрганда шукур дейдиган одат бор. Бинафшани кўзга суриш ёки чаккага тақиб олиш ҳам шундай таомиллардан биридир.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ

учун наврўз оламининг бошланиши ва яратилишига далил қилинган» дея ёзади. Айни вақтда ажойиб шеърый асарлар, ардоқли байтлар ҳам баҳор шаънига айтилган.

Айниқса классик шоир Фурқат ўз ижодида наврўз айёмини завқ билан куйлаган.


Киши тубию-ю қавсар, жаннати ризвонни на қилсин,

Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Дарҳақиқат юртимиз чексиз чаманзорлар, юксак чинорлар, азамат тоғлар ўлкаси. Ер юзида йил

ОСМОН ЕРГА ТУШГАН КУН

Ҳалим бобо ЭҒАМБЕРДИЕВ, 90 ёшли отахон, Касби туманидаги Ташкўрғон қишлоғи.




— Мен бойлар чоракорлар замонини, колхозчиликнинг оғир машаққатларию уруш йилларининг қаҳатчиликларини, — Шўро замони «нашўу намо»ларию исрофгарчиликларини кўрган кишиман. Яратганга шукур, насибам бутун экан, ўн беш нафар ўғил-қиз, юздан зиёд неварачебаларим ардоғида юртимизнинг истиклол мунаввар этпан кунларида дорилмомон ҳаёт кучоғида яшаб турибман. Гарчи ишдан, кучдан қолиб, иккита болишу юмшоқ кўрпачага суяниб қолган эсам-да, бўлаётган ўзгариларни кўриб, сезиб турибман. Айниқса, ҳар йили Наврўз байрамининг катта шодонлар билан нишонланиши, шу кунги шод-хуррамлиғу хайр-баракани кўриб кўзларимга ёш оламан, бутунги ёшларнинг ҳаётига ҳавас қиламан. Ахир бир замонлар қандай кунларни бошдан кечирмадик? Биров Йилбошига атаб нишаки (буғдой майсеси) Устирмоқчи бўлса, уни сир тутишга мажбур эди. Билиб қолишса, тоғорасини синдириб, ўзини суд қилишарди. Момолар сумалакни яширинча, эшикларни ичкаридан қулфлаб пиширишарди. Баъзан элнинг «катта»лари қайнаб турган қозонни чўғининг устига тегиб юборганларини кўрганман. Сумалак тайёрлаш, Наврўзни нишонлаш «эскилик сарқити» деб қараларди.

Бутунги дорилмомон кунларини ўша вақтлар билан қиёласам, ёш бола пайтим ота-боболаримдан эшитган, 120-150 йил олдинги омонлик замонлари эсимга тушади. Раҳматлик оқсоқоллар Йилбошини қандай шод-хуррамлик билан нишонлаганларини шундай ҳикоя қилиб беришарди:

Бу кунга анча олдин тайёрларик қўрилган. Уй бекалари, келинчақлар ҳамал яқинлашиши билан хонадонлар ичкарисидagi лаш-лушларни ташқарига олиб чиқиб, қулбаларини обдон тозалашган. Ҳовлилар, девор-ларименлар таъмирланган. Савобтаблар 4-5 йигит кўчама-кўча юриб, Наврўз қўшиқларини айтиб, одамларни кўклам келаттиришдан воқиф қилишган. Уларга қишлоқ аҳли қурбн этганча ҳадя беришган. Йилдан нарсаси уртда тўланиб, Йилбоши кунини ҳаражатларга сарфланган. Дарё бўйида катта қозонлар осилиб, гўжа, ҳалим, аталла каби таомлар тайёланган. Байрам кунини ҳамма тоза кийимларини кийиб, белгиланган жойга тўпланишган. Кайвонилар ҳар бир одамни назардан ўтказиб турган, келмаганларни суриштиришган. Бемор бўлса, Наврўз таомлари билан йўқлашган. Бойлар ҳам фуқаролар билан бирга бўлган, улар соғал-саломлар улашган, ўзларига айтилган аччиқ ҳазиллардан жаҳдлари чикмаган. Шу кунгича-қудратлар унутулган, шўхлик, мутўйибалар оғир олинмаган. Албатта, кураш, кўпқари уюштирилган, дорбозлик, масхарабозлик уйинлари кўрсатилган, қўшиқ-лапарлар айтилган. Қиш зулматидан қутулган ер ва одамлар ёйилиб байрам қилган, гуё осмон бегуборлиги заминга кўчган, бутун борлиқ қўшилиб кетган.

Наврўз ота-боболаримиздан қолган ёдгорлик, энг улғу байрамимиз. Унинг умри боққий. Озод юртимизнинг ҳар кунини Наврўз бўлсин!

Халим ЭҒАМБЕРДИЕВ, 90 ёшли отахон, Касби туманидаги Ташкўрғон қишлоғи.



"ДЭУ" КОРПОРАЦИЯСИ (Корея Республикаси)



Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ислом Каримовни

ва бутун ўзбек халқини


фараҳбахш баҳор

байрами — Наврўз билан

табриклаш шарафига

муяссар эканлигидан

мамнундир!



"ДЭУ" корпорацияси, бу — кенг миқёсли савдо, саноат ишлаб чиқариши ва имкониятлардан тўла фойдаланиш демакдир.

